




ТОШКЕНТ



ОҚШОМЖИ

ШАҲАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 99 (9.443) 2000 йил 21 август, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон фуқаро авиацияси ходимлари ва мутахассисларига

Азиз дўстлар!
Аввало, барчангизни касб байрамингиз — Ҳаво флотини кунин билан чин қалбимдан муборакбод этаман.
Мустақиллик йилларида сиз меҳнат қилаётган соҳада амалга оширилган туб ўзгаришлар давлатимизнинг куч-қудратини ва халқаро микёсда нуфузи ошишига хизмат этаяётгани билан эътиборга сазовордир.
Ўтган йиллар мобайнида сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз тўғрисида турли кўрсаткичлар билан алоқалари йўлга қўйилгани, олис-олис мамлакатлар билан ҳамкорлик имкониятлари кенгайиб бораётгани бунинг аққол далилидир.
Бугунги кунда давлатимиз раҳбарлари тўғрисида замонавий ҳаво кемалари ҳақинда бўйлаб парвоз қилар экан, бу барча юртдошларимиз қалбига ғурур-ифтихор бахш этади.
Мамлакатимиздаги бир қатор аэропортлар дунё андозалари асосида таъмирланиб, энг замонавий самолётлар билан таъ-

минланаётгани, малакали кадрлар тайёрлаш борасидаги ишлар соҳани янада ривожлантиришга давлатимиз катта эътибор ва аҳамият кўрсатаётганидан далолат беради.
Ўзбекистон ҳаво флотини эришяётган бугунги ютуқларда сиз, ўз касбининг фидойилари бўлган ўқувчилар, штурманлар, техник ва муҳандислар, бошқарув ва парвозлар сифатини таъминловчи хизматчиларнинг, соҳа барча ходимларининг муносиб хиссаси борлигини алоҳида таъкидламоқчиман.
Сизлар билим ва тажрибангиз, жасорат ва матонатингиз билан мамлакатимиз кудратини, халқимизнинг эзгу фазилатларини бутун дунёга намойиш этмоқдасиз.
Мана шу шарафли ва масъулиятли ишини ҳақдор барчангизга омад ёр бўлишини тилайман. Доимо соғ-омон бўлинг, парвозларингиз ҳамisha бехатар бўлсин!
Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Фуқаро авиацияси кунин муносабати билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Кўп йиллик самарали меҳнати, халқ хўжалиги ва аҳолига транспорт хизмати кўрсатишдаги алоҳида ютуқлари, республикада фуқаро авиациясини ривожлантиришга қўшган салмоқли хиссаси ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун куйидагиларга Фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими»

Блинохатов Владимир Николаевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси авиацион-техник мажмуаси директори

Иброҳимов Ровшан Зарипович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Махсус авиация ишлари» авиакомпанияси директори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Эрназаров Абдусаттар — Парвоз хавфсизлиги назорати бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат назорлиги бошлиғи муовини

Фуқаро авиацияси соҳасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, мамлакатимизнинг дунё микёсидаги обрўсини юксалтиришга қўшаётган катта хиссаси, халқ хўжалиги ва аҳолига транспорт хизмати кўрсатишдаги жонбозлиги ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун куйидагиларга мукофотлансин:

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Астанов Бахтиёр Давранович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «А-310» ҳаво кемаси ўқувчилар отряди сардори

Рўзметов Арслон Ғойибович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Бош директори

«Дўстлик» ордени билан

Аргов Владислав Маркович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «PJ-85» ҳаво кемаси ўқувчилар отряди сардори

Маргачев Андрей Владимирович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «А-310/Боинг» цехи бошлиғи муовини

Хатипов Шамиль Фатихович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси

«Боинг» ҳаво кемаси ўқувчи-йўриқчиси

Шишонков Борис Яковлевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Махсус авиация ишлари» авиакомпанияси ўқувчилар отряди раҳбари

«Шухрат» медали билан

Зокиров Тулкин Мухромович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Ил-86» ҳаво кемаси сардори

Иброҳимов Аҳмаджон — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси авиацион-техник мажмуаси назорати қаролати бўлими муҳандиси

Илошқин Андрей Константинович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси авиацион-техник мажмуаси «Ил-76» ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш цехи бошлиғи

Колотко Олег Анатольевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «PJ-85» ҳаво кемаси сардори

Хасаншин Гани Валиевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Махсус авиация ишлари» авиакомпанияси ўқувчи-йўриқчиси

Чуканова Гузаль Харисовна — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ўта муҳим парвозлар гуруҳи бортузатувчиси

Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан

Агеенко Игорь Иванович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Махсус авиация ишлари» авиакомпанияси катта бортмеханик-йўриқчиси

Витвицкий Алексей Алимович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «PJ-85» ҳаво кемаси сардори

Коломейцев Игорь Валентинович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Махсус авиация ишлари» авиакомпанияси авиаскадрига сардори

Сиражидинов Хокимжон Анварбекович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Ил-76» ҳаво кемаси сардори

Тугалов Сирожиддин Абдурахмонович — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Фуқаро авиацияси 243-заводининг авиатехниги

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ** Тошкент шаҳри, 2000 йил 17 август.

ҲАВО ФЛОТИ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ


«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясида ҳаво флотини кунига бағишланган тантанали мажлис бўлди. Аняна буйича август ойининг учинчи акшанбасида нишонланган ҳаво байрами билан фуқаро авиацияси ходимларининг уларнинг ҳамкасблари — республикаимизнинг темир йўл ва автотранспорт корхоналари ходимлари, авиасозлар ва ҳарбий ўқувчилар, алоқачилар, хорижий авиакомпаниялар вакиллари кутлади.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг мажлислари ва мутахассисларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Исаев ўқиб эшиттирди. Табрикда қайд этилганидек, соҳада содир бўлган туб ўзгаришлар давлатимиз иқтисодий салоҳиятини кучайтиришга ва халқаро нуфузини оширишга хизмат қилади. Фуқаро авиацияси кунини муносабати билан Президент Ислом Каримов Фармонига мувофиқ Ўзбекистон фуқаро авиациясининг ходимлари ва мутахассисларидан катта гуруҳи фахрий унвонлар, мамлакатимизнинг ордени, медаллари ва фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. Мажлисда авиация соҳасида хизмат кўрсатган ходимларнинг бир гуруҳига давлат мукофотлари топширилди.

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ



ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН БУЮК НЕЪМАТ



ИФТИХОР

• Рустам МИРАҲМЕДОВ, уруш ва меҳнат фахрийси:

— Ўзбекистонимизнинг ҳар бир асл фарзанди Мустақиллик йилларида эришяётган ютуқларимиздан нафақат қувонади, балки фахрланади ҳам. Барча соҳаларда ютуқларимизга ўз меҳнатимиз, ғайрат шижоатимиз билан эришмоқдамиз. Энг муҳими, халқ бахт-саодати, юрт равнақи йўлида ҳамisha қайғурардиман йўлбошимиз бор. Бугун пойтахтимизда бунёд этилган «Хотир» майдонини ҳамда «Шаҳидлар ёди» мажмуаси минглаб хаста дилларга маҳкам бўлди. Урушда ҳамда каттагон даврда шайхид кетганларнинг руҳлари шод этилди, уларнинг фарзандлари, яқинлари ўз қадрдонларини кўргандай, суҳбатлашгандай бўлди. Мустақилликдан олдин бу ҳақда ўйлаб ҳам бўлмастди. Ана шундай ўзгаришларга қараб истиқлолнинг олий неъмат эканлигини, уни кўз қорачиқдай асраш лозимлигини хис этаман.

• Неъматилла ЗИЁВУДДИНОВ, тадбиркор:

— Мени шу нарса мамнун этадики, қаранг ўз билимингни, куч-ғайратингни, бутун шижоатингни юртимиз равнақи, уни жаҳонга танитиш учун сарфлайдиган вақт келди. Айниқса, тадбиркорларга берилган эътибор, яратилган шарт-шароитлар бизни мамнун этмоқда. Ҳозир мен раҳбарлик қилаётган кичик корхонада рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқдамиз. Чет эллик шерикларимиз билан алоқани мустақамлаб, қўшма корхона ташкил этмоқчимиз. Бунинг учун мамлакатимизда барча имкониятлар мавжуд. Фақат ҳаракат, иштироки, изланиш зарур. Мустақилликимизни мустақамлашга биз тадбиркорлар ўзимизнинг янги, яъни Ўзбекистонини жаҳон бозорига танитадиган сифатли маҳсулотларимиз билан танитиб хисса қўшмоғимиз лозим. Зеро, биз бундай эркин ишлашга, имкониятларимизни намойиш

етишга истиқлолимиз тўғрисида мушарраф бўлдик. Шу боис ҳам бугуннинг қадрига етиш, юртва содик инсонлар бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиз.

• Фулом ШАМСИДДИНОВ, ҳайдовчи, «Дўстлик» ордени соҳиб:

— Мендай оддий ҳайдовчининг бундай юксак мукофотга сазовор бўлиши ҳам истиқлолимиз шарофатидандир. Кўчаларимизнинг замонавий тус олиши, кўркам кўприкларнинг бунёд этилиши транспорт воситалари ҳайдовчилари учун қулайликлар туғдирмақда. Пойтахтимиз кўчаларида йўловчилар манзилни яқин қилаётган, хизмат маданияти орттиришга хисса қўшаётган қулай транспорт воситаларининг қатнови ҳам юртимиз фаровонлигидан далолатдир. Мустақиллик деган улғу бахтга эришган эканмиз, ҳар бир соҳа ходимлари ўз вазифаларини сидқидилдан адо этиб, ана шу бахтининг бекаму кўстлигига эришиш ўзимизнинг қўлимизда.

БИШКЕКДАГИ УЧРАШУВ

КЕЧА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бишкекка ташриф буюрди. Бу ерда минтақамиздаги давлатларнинг раҳбарлари учрашуви бўлиб ўтди. Унда ҳозирги пайтда барчамизни ташвишга солаётган ягона масала — Марказий Осиёда хавфсизликни сақлаш масаласи муҳокама қилинди.

Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Қозоғистон раҳбарлари халқаро терроризмга, экстремизмга, жиноятчиликка, нарқобизнесга қарши қаратилган саъй-ҳаракатларини кучайтириш режисидирлар.

Учрашувда шунингдек Россия Президентининг махсус вакили, Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгашининг котиби Сергей Иванов қатнашди.

Учрашув иштирокчилари учрашув якунлари бўйича қўшма баёнот имзоладилар.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАБГАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япония демократик партияси бош котиби Суго Мухата бошлиқ делегация аъзоларини қабул қилди.

• Халқаро Кураш Ассоциациясининг фахрий Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Венгрия Дзюдо-Кураш Ассоциацияси раҳбарияти, Африка Кураш Конфедерацияси Президенти Андре Френч, бразилиялик Жоао Шиферлар Ўзбекистоннинг жанубий чегараларига қўшни давлат орқали кириб келган бир гуруҳ халқаро террорчиларнинг хурдуларига қарши олиб борилаётган курашда халқимизни қўллаб-қувватловчи сўзлар билдирилган, халқаро терроризмнинг ҳар қандай кўриниши қораланган мактуб йўлладилар.

• Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг амалдаги раиси, Австрия ташқи ишлар вазирини Бенита Ферреро-Вальднер август бошидан буюн террорчи галамис гуруҳлари Ўзбекистоннинг жануби — Сурхондарё вилояти, шунингдек, Қирғизистон жанубининг Боткен тумани ҳудудига бостириб кирганини тўғрисидаги хабар юзасидан жиддий ташвишга тушганини билдирди. Бу ҳақда ЕХТнинг Тошкентдаги ваколатхонасида тарқатилган мактуб хабарномасида маълум қилинди.

• Республикаимиздаги барча мактабларда Ватан ҳимояси учун жонини фидо қилган фарзанди аржумандларимиз номма-ном тилга олинди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси кўрсатмаси билан жума намозларида шайхид кетган ўғлонларимизнинг руҳи покларига бағишлаб Куръон тилловатлари қилинди.

• Кўтлуг байрам арафасида Кўкон — Марғилон — Андихон йўналиши бўйича ҳаракатланаётган поездлар сонини яна биттага қўпайтирилди. Янги йўналишда қатнаётган поездлар асосан тежалган дизель ёнилғиси ҳисобига ҳаракатланаётган.

• Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида икки кун давом этган «Ўзбекистон — Ватаним меним» кўшк байрамнинг якуновчи босқичи ниҳояланди.

• Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитасида оммавий ахборот воситаларида диний мавзудаги материалларни ёритиш бўйича навбатдаги матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

• Тошкент вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳузурида республика давослар мактаби очилиб, ёш мутахассисларни ўқитиш йўлга қўйилди.

• Олмалик шаҳрида «Хамшира-2000» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

• Энг улғу ва энг азиз байрам — мамлакат Мустақиллигининг 9 йиллик арафасида Нукус шаҳрида бахтиёр оилалар ҳовли тўғрисидаги тақдирлар. Шаҳар марказида барча қулайликларга эга бўлган 5 қаватли бино фойдаланишга топширилди.

• Қашқадарёда байрамолди ҳашари ўтказилди. Шу кунини воҳада катта ободончилик ишлари амалга оширилди ва 91 миллион 870 миң сўмлик иш бажарилди.

• «Қамолот» жамғармаси Хоразм вилояти бўлими биносида ёшлар орасидан истеъоддорларни излаб топилмақсатда санъатнинг турли жанрлари бўйича кўрик-танлов ўтказилди.

• Жиззах вилоятининг Дўстлик тумани марказида бунёд этилган кичик хўжалик касб-ҳунаро коллежи янги ўқув йилидан бошлаб 600 нафар ўғил-қизни ўз бағрига олади.

• Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Уқитувчи» наشريети умумтаълим мактабларининг 5-синфлари учун янги «Жаҳон тарихидан ҳикоятлар» дарслигини нашрдан чиқарди.

• Бухорода 14 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида «Футболчимиз — келажакимиз» кубоги учун республика мусобақасининг учинчи босқич минтақавий учрашувлари бошланди.

ЖАҲОНДА

• АҚШ Президенти Билл Клинтон сентябрь ойида Фаластин раҳбари Есир Арафат ва Исроил Бош вазирини Еҳуд Барак билан учрашув ўтказиш ниятида. Навбатдаги учрашувни ўтказишдан қўлланган мақсад томонларни тинчлик битимини имзолашга ундашдан иборатдир.

• Индонезия Президенти Абдурахмон Воҳид Ироққа расмий ташриф билан бориш тўғрисида билдирган ниятини тасдиқлади.

• Шанба кунин Боткендан Бишкекка АҚШнинг 4 фуқароси келтирилди. Улар 11 август кунин Қирғизистон жанубига бостириб кирган қуролланган террорчилар томонидан 6 кун давомида гаровда ушлаб турилган эди.

• Германиянинг Кёльн шаҳрида халқаро савдо ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда Қашқадарёдаги «Санам», «Содо», «Қаштекс» ҳиссадорлик жамиятларининг маҳсулотлари ҳам намойиш этилди.

• Тожикистон чегарачилари ўтган дам олиш кунин Қирғизистон ва Тожикистон чегарасида 16 жангариларини ушлаб олишган. Тўқнашув чоғида жангарилардан иккитаси ҳалок бўлди.

• Кеча Неченистон Республикасида Россия Давлат Думаси депутатлигига сайловлар бўлиб ўтди.

• Хиндистоннинг Жамму-Кашмир штатида мамлакат ҳарбийларининг махсус бўлими тўғрисида террорчиликка қарши операция ўтказиб, ўн нафар афғонистонлик ёлланма жангариларни йўқ қилди.

• Озарбайжон Адлия вазирлиги «Халқаро инсонпарварлик қақирғини» ташкилотига мамлакат ҳудудига фаолият юритишни тақкилади. Бунга сабаб ташкилотнинг инсонпарварлик гоилари орасида давлатга қарши фаолият юритаётганидир, деди вазирлик бошқармаси бошлиғи.

• Британиянинг махфий хизматининг собиқ ходими Дэвид Шеллер бугун Франциядан Буюк Британияга қайтди. У давлат сирини ошқор этишда айбланмоқда.

• Сидней Олимпиадаси учун австралияликлар 3100 та медаль тайёрлашди. Фолклар учун бериладиган медаллар ҳақиқий олтиндан эмас. Фақат устига олти грамм олтин суви юритилган.

Тобора яқинлашяётган Мустақиллигимизнинг 9 йиллик шодийнасига ҳар бир жамоа ўзига хос ва мис тўғрисида билан қилишмоқда. Шунингдек, ана шу улғу ва азиз байрам арафасида меҳр-оқибат кўрсатиш, кекса ва ногиронларнинг кўнглини кўтариш, айёмимизнинг муқаддаслигини намойиш этиш ҳар бир эзгу ниятли инсоннинг бурчи саналади.

Шу боис ҳам Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ҳам байрамда кўпчилигининг кўнгли-

КўНГИЛЛАРИ ШОД БЎЛАДИ

ни кўтариш, байрам кайфиятини улаштириш ниятида. Жамғарма томонидан пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги Чустий маҳалласида шаҳримиздаги кам таъминланган, кўп болали оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар учун хайрия тадбири ўтказиш режаланган.

— Маҳалла гузаридида катта дастурхон тузалиб, туман маданият уйларида фаолият кўрсатаётган дасталар, хонанда ва раққослар ўз маҳоратларини намойиш этадилар, — дейди жамғарма Тошкент шаҳар бўлими раиси Калон Шодиев. — Шунингдек, ўша кунин тумандаги чевар қизлар, хунарманд

ва халқ усталарининг маҳсулотлари ва таниқил раҳомларнинг истиқлолни тараннум этувчи асарлари кўргазмасидан барча йилгиланлар баҳраманд бўлишди.

Тадбир давомида бир гуруҳ фуқароларга байрам совғалари, хайрия ёрдамлари кўрсатиш кўзда тутилган бўлиб, бунинг учун жамғарма томонидан 100 миң сўм маблағ ажратилди. Асосий мақсад эса озгина хайр-саховат билан инсонлар кўнглини тоғдек кўтариш, уларга байрам кайфияти улаштириш.

Дилноза ҒИЁСОВА.

КОМИССИЯСИДА

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юртувчи субъектларни текширишни ташкил этишни тартибга солиш тўғрисида»ги 1998 йил 19 ноябрдаги 21114-сонли фармони ҳамда бу борада қабул қилинган бир қатор ҳукумат қарорлари мавжуд бўлиб, текширувнинг кўпчилиги Давлат солиқ инспекциялари томонидан ўтказилади.

Ана шуни эътиборга олган ҳолда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг Яқкасарой тумани ишчи комиссияси туман Давлат солиқ инспекциясининг иш фаолиятини ўрганиб чиқди.

Ўрганиш жараёнида бу борада бирмунча ишлар амалга оширилганини маълум бўлди. Жумладан, Яқкасарой туман Давлат солиқ инспекцияси (ДСИ) 2000 йилнинг биринчи ярмида 368 текширув ўтказган. Демак, 1999 йилнинг шу даврига нисбатан 275 та текширув кам ўтказилганини аниқлади. Бунда юқори назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши рўхсати ва топшириқлари қамийган. Жумладан ушбу Республика кенгаши рўхсати билан 1999 йилнинг биринчи ярмида 175 текширув ДСИ томонидан ўтказилган бўлса, 2000 йилнинг шу даврида эса фақат 36 текширувга рўхсат берилган ҳолос. Бу ерда ДСИ ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга нисбатан талаб даражасини ошириш ишлари қайтадан кўриб чиқилган. Текширув ишларида шаҳодат сивовидан ўтган юқори малакали, софидил, қатъиятли ва бугунги кун талабига жавоб берадиган кадрлар танлаб олинган ва текширувларга юборилган. Жумладан 1999 йилнинг биринчи ярмида 121 ходим текширувда қатнашган бўлса 2000 йилнинг шу даврида фақат 91 киши иштирок этган. Текширув якуналари бўйича улар томонидан давлат бюджети даромадига ундириш бирмунча юқори бўлиб 6751 миллион сўмини ташкил қилган. Бундай ҳолат туман ДСИ томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2000 йил 13 мартдаги «Давлат солиқ хизмати идоралари фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисида»ги 87-сонли қарорининг бажарилишидан далolat беради.

Эргаш ОТАЕВ, Яқкасарой тумани ҳокими ўринбосари, назорат қилувчи органлари мувофиқлаштирувчи ишчи комиссияси раиси ўринбосари.

— Ёз — 2000


ТАЪТИЛ КЎНГИЛЛИ ҲАМ

Ўлкамизда олтин ёз тугаб бормоқда. Ҳадемай, мактабларда дастлабки кўнгилик янграб, янги ўқув йили бошланади. Ёзи таътил қандай ўтиши эса Касаба уюмларининг фаолиятига ҳам боғлиқ бўлди. Жумладан, пойтахтнинг Собир Раҳимов тумани таътил ва фан ходимлари Касаба уюмаси тармоқ вакиллари ижтимоий кўлаб-қувватлаб, улар саломатлигини тиклаш, кўнгилини ҳордиқ чикаришлари учун катта жонбозлик кўрсатди.

Туман мактабларининг ўқувчилари Тошкентдаги «Лочин» ва шаҳардан ташқаридаги бир қанча оромгоҳларда дам олиш учун йўланмалар билан таъминланди. Ёзи таътил давомида уйда — ота-оналари бағрида қолган ўқувчилар учун эса тумандаги 242,278,133-мактаблар қўшиқча соғломлаштириш масканлари ташкил этилиб, уларда бир сменада 300 нафар бола ҳордиқ чикарди. Болалар боғчалари тарбияланувчилари, мактаблар, олий ўқув юрталарининг ўқитувчилари эса республикамизнинг турли гушаларида жойлашган «Хумсон», «Янгийўл», «Чортоқ», «Бўстон», «Турон», «Ботаника» каби сийқатгоҳларида иштиёқли йўланмалар олишга муваффақ бўлишди. Айниқса, «Кумушқон», «Сўқоқ» каби сўлим дам олиш уйларига берилган оилавий йўланмалар устозлар учун катта қулайликлар яратди. Бундан ташқари «Чимёни», «Хумсон» дам олиш масканларига уч кунлик ҳордиқлар мунтазам ташкил этилиб турди. Тармоқ Касаба уюмаси ташаббуси билан уюштирилган бундай тадбирлар янги ўқув йилини муносиб кўтиб олишда муҳим омили бўлиши, шубҳасиз.

Мастура МАНСУРОВА, 243-мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиси.

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ



Фарзандларимиз биздан кўра кучли, доно, билимли ва албатта бахтли бўлишлари шарт!

Ислом КАРИМОВ

Эшикка машина келиб тўхтади. Тўсатдан ҳовлига басавлат бир одам кириб келдию мени маҳкам қучоқлаб олди. Нақ ялаб-юлқағудай бўлиб кўришди. Унинг жавдирак кўзлари, ёқимли овозидан танишлиги билан-са-да, отини эслаб ололмайд турардим. Башанг усти-боши, келиштириб тарашланган соқол-мўйлови, ярқокро мошранг дубога дўпписига тикилганча қолгандим. У қалин лабларини чўчқайтирган, оқ аралаш қуюқ қошларини чимирган ҳолда хахалади ва:

— Қойилман-е, домлажон хотираңизга! Нахотки «Шо» дарров унутадиган инсонлардан бўлса-я! — деб яна бўйнимга қўл ташлади. Шундан кейин лоп этиб эсимга эски кадрдоним тушди. Яқинлари «Шо» деб юритишга ўрганган бу қувнок одам муаллим Шоакрам эди.

— Кечирасиз, Шо, бир ёни қўлингиз. Кўз ҳам сал анака... Ундан сўнг, очиги сизда шунчалик ўзгаришлар бўптики...

— А, қанақа ўзгариш, домла? Яқши томонгами ишқилиб?

— Менга шогирд бўб юрган вақтларингизда ўзингиз келишган, нозикина йигитлардан бўлгансиз-ку, ҳозирга келиб соқол-мўйлов ҳам қўйиб, жуда савлатдор бўб кетибсиз!

— Қарий бошлаган бўлсак керак-да?

— Аксинча, ёшариб кетган кўринасиз! Ахир кўришмаганимизга қанча бўлди ўзи-а?

— Нарӣ борса етти — саккиз йил бўлгандир-да, домла. Нима бўпти?

— Нима бўпти, деманг, Шо! Шу йиллари унақа-мунақа йиллардан эмасдир-ов?

— Гапингизда жон бор, домлажон! Аввало шунча вақт сиздан хабар ололмаганим учун узурларимни қабул қилинг. Ҳозир билан ўзим ж-жа овера бўб кетдим...

Шоакрам анча вақт мен билан яқинимиздаги мактабда бирга ишлаганди. Ҳозир билан ўзининг билимдонлиги, сергаклиги, ҳушмуомалиги билан ўқувчилар диққат-эътиборини ўзига қаратган эди. Болалар уни ўқитувчи дебгинамас, доно маслаҳатгўй ва меҳрибон мураббий деб ҳам ҳурматлашарди. Ҳозир билан ўртада жанжал-сурон келиб чиқар, гоҳо юқоридан солиқчилар босиб келиб, «Рухсатсиз биронинг еридан фойдалангани учун» отанинг елкасига аллақанча жарима солар, ҳосилни бозорга олиб чиққанда пешонасига «текинхўр», «чайқовчи» тамгалари босиларди. Ҳозир билан Шоакрам ҳам одамлар «бой боласи», «чайқовчи думлари» деб паст назар билан қарашувчи эди. Шу сабабдан бўлса керак, Шоакрам ўқитувчиликда қанчалик катта малака, маҳорат қозонмасин, ўқувчиларга қанчалик ёқиб тушмасин, жамоатчилик орасида мавқеи паст бўлиб, оро йўлда қолиб юрди. Бу ҳол унинг моддий қийинчилик кечиришигагина эмас, руҳий сиқилишига ҳам сабаб бўлмагани мумкин эмасди. Шоакрам дарсдан ташқари соатларини бекор ўтказмади. Отаси вафот этгандан кейин, ундан қолган боғчада сабзавотлар етиштириб, тирикчилигини ўтказиб юрарди. Илгари отаси шаънига тақдирга баъзи дашномлар, камситишлардан холи қолмади у ҳам. Бир марта экинларни парваришда чоғи Шоакрамнинг шогирдлари келиб хашар қилишган эди. Баъзи бир ичи қоралар: «Шоакрам муаллимнинг рўқач қилиб, шогирдлар кучидан фойдаланди», деб фитна тарқатишди. Майда гаплар унинг жонига теккан, қандоқ қилсам, қулғим тинчиркан деб бош қотириб юрарди. Еши ҳам олтишга тўлди. Пенсияга чиқиб кета қолай деб чоғланиб турганда замон тубдан ўзгарилиб, Мустақиллик юзига келди. Шоакрамнинг педагогикадаги зўр маҳоратидан фойдаланиб юрган ўқитувчилар унинг бугунлай мактабдан кетиб қолишига рози бўлишмади. «пенсияга чиқсангиз ҳам, аммо ўқитувчиликни қисман давом эттирасиз» деб кўндиришди. Очиги, унинг ҳам мактабдан узилиб қолишига кўнгли чопмасди. Қарабсизки, унга бўлган соғуқ муомала ўрнини илтиқлик эгаллай борди. Олдинлари саломига зўрға алик оладиган ўғли тенги димоғдор директорнинг муомаласида ҳам ўзгариш юз берди. Бир кун у Шоакрамни кўлтиридан тўтиб ўз хонасига олиб кирди. Эшикни маҳкамлаб қўйиб, сўқбатга тортди. Унинг дарс соатларини ошириш, юқори синфлардан бирига раҳбар этиб тайинлашни таклиф қилди. Шоакрам эса, эътибор учун ташаккур билдирди-да, ўйдада озгина иши борлигини айтиб, таклифини қайтарди. Директор эса ўз сўзида туриб олиб, деди:

— Боғдорчилик ишингиздан хабаримиз бор. Боғни обод этишингизга тарафдоримиз. Сизни болалар яқши кўришади. Улар ҳам вақти-вақти билан боғингиз ишига хашар қилишиб туришса, қайтага хунар ўрганишади, меҳнатдан тажриба ортиришади.

— Ҳақиқатдан ўқитувчилик билан боғдорчиликни қўшиб олиб боғрингиз ўзингизга, болалар тарбиясига яқши бўпти-да, Шо?

— Шундай, домлажон, энди ўқитувчилик ёнига

қўл кўтариб, ўрнидан турибди. Бу — дарсларда ҳам, юриш-туришда ҳам ўзини хийла бардам тутадиган синф бошлиғи Баҳодир экан. У одатдагича қўлларини ҳар ёққа силқитиб, хиёл дўриллай бошлаган овози билан истиқлол йиллари одамлар озодлиқни қўлга қирибганидан гап бошлади: энди халқ эркин яшаб ўзи истаган ишлари билан хоҳлаганича шуғулланаётгани, шаҳар, қишлоқлар таниб бўлмас даражада ўзгариб, ободонлашиб кетгани, мамлакат ютуқларини бутун дунё тан олаётганини сўзлай кетибди. Сўзларидан дарсларда муаллимлар айтган фикрларини ўзига синдириб олгани, газеталар ўқиб, радио, телевидениени муттасил тинглаб боргани сезилиб тураркан. Шунда Шо болалардан: «Баҳодирнинг жавоблари қандай чиқди?» деб сўраган экан, биттаси: «Яқшию, умумийроқ чиқди-да!» деб қўлибди. Шо унинг ўзига сўз берибди. Шунки қўлиб турганакан. Отасининг ишлари билан фахрланиб кетибди. Отаси яқши дурадгор бўлиб, чиройли стол, стуллар билан бирга бешик, беланчақлар ясашга ҳам уста экан. Лекин илгари бу хунарини бемалол

— Болалар яна бошқа камчиликлардан ҳам қўйиниб гапиришаётганди, — деди Шоакрам, ўз-ўзидан менда савол туғилди:

— «Хўш, шунча камчиликларни билар экансизлар, нима учун ўзларингиз ҳам шуларга қарши курашмайсизлар?»

Болалар жим бўлиб қолишганди. Баҳодирнинг:

— Курашганимиз, устоз! — деб дўриллаган овози чиқди.

— Қандай қилиб? — деган саволимга, у томоғини бир қилиб олиб, жавоб бера кетди. Қишда қўшни синфдагилардан бирови ўқишга яқши қатнашмай қўйган. Синф раҳбари боланинг уйига икки марта бориб, отасини ҳам, онасини ҳам уратолмаган. Ота шаҳарма-шаҳар тенгиранича савдогарчилик қилиб, уйига кам келаркан. Она ҳам ҳали у ерда, ҳали бу ерда дастурхончилик қилиб, қўп вақтини кўчада ўтказаркан. Бола эса бевош бўлиб, бекорчи болалар билан санғиб юрареди. Синф раҳбари Баҳодир билан яна битта пишиқ болани очига олади, неча кун овера бўлиб, бевош боланинг онасини, кейин отасини мактабга келтириб, маҳалла оқсоқоли иштирокида ўртага олишади, яқшилаб таъзирини беришади. Шундан кейингина бевош боланинг интизоми, ўқиши тўзала бошлайди...

— Бу воқеадан хабарим бор, — дедим мен. — Демакки кўпчилик бўлиб киришилса, ҳар қандай бевош, тарбиясиз бузуқ болаларни ҳам ёмон йўлга кириб кетишдан сақлаб қолиш мумкин экан. Ҳаммаңизга бу йўлда ғайрат, омад тилайман...

— Хулласи, домлажон, менинг синф болалари билан ўтказган эркин мунозарам қўп нарсага аниқлик киритди, таълим-тарбия соҳасидаги баъзи муаммоларни ечиш йўлларини очиб берди. Бугина эмас. Мунозаранинг менда туғдирган энг муҳим хулосаси шуки, навқирон авлодимиз қобилияти ўсяпти, онги-зеҳнида жиддий ўзгаришлар юз берапти. Улар энди яқшини яқши, ёмонни ёмон деб бемалол айта оладиган, дилида туғилган фикрини одамлар билан очикчасига ўртоқлашадиган, ўз устози билан ҳам баҳслаша оладиган бўлиб қолишпти. Чамамда сўнги вақтлар китоб мутлоаси бир қадар йўлга қўйилаётганлиги болаларимиз фикр доирасини хийла кенгайтиришга йўл очяпти. Шунки ҳам унутмаймики, болалар ва ўсмирлар ўртасида китобхонлиқни кенгайтириш йўлида ҳали қўп иш қилишимиз керак. Болаларнинг билимга қанқоқлиги, қизиқувчанлиги кундан-кун яққолроқ очила боргани яқши ҳодиса. Ҳаётимиз қай даражада изчил равақ топаётганлиги, кишилар маънавий дунёси қанчалик жадал юксалётганлигини фарзандларимиз ўй-фикри, хатти-ҳаракати, руҳий интилишида равшанроқ кўра бошладик. Шу билан бирга хулқ-одоб, инфо-тавфик, дўстлик-аҳиллик, дилнат каби энг туғилар ўсяптики, булар истиқлол келтирган улғур неъматлардир. Бу ҳоллар шўро замонидаги таътиқлар, ишонсизлик бекорчи тоғовларнинг қийноғини кўрган катта авлод кишиларининг кўнгиллари тоғдай кўтаряпти. Мустақиллик даври навқирон авлодининг беҳад бахтиёрлигидан олам-олам қувониб, фахрланиш ҳисларини туғдирапти. Умуман олганда, истиқлол фарзандларининг иқболлари баланд келди. Уларга Президентимиз Ислом Каримовнинг назарлари тушган. Ҳозир яқиндан кўз-қулқ бўлган ҳолда меҳрибонлик қўрсатиб, гамхўрлик қилиб келмоқдалар. Бу йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилганлари болаларимизнинг ҳар ёқлама камол топишлари учун кенг йўл очди. Бундан болаларимиз билан бирга ота-оналар, биз устозлар ва мураббийлар ҳам беҳад гурурга тўлаимиз...

Мен Шоакрамнинг сўхбатини мароқ билан тинглаб олганимдан сўнг, ундан сўрайман:

— Дарҳақиқат қўп яқши гаплар, ишлар бўляпти. Бу яқшиликлар келиб чиқишининг туб моҳияти нимада деб ўйлайсиз?

— Жуда муҳим савол бердингиз, домлажон. Бу яқшиликлар албатта аввало каттаю кичикда маънавийнинг кўтарилиши билан, мустақиллик келтирибган неъматларнинг ортиб бориши, Ватанга садоқатнинг кучайиши билан боғлиқ деб биламан-да...

— Шу билан бирга инсонларда янги ҳаётимизнинг раванқига ишонч, эътиқод орта бораётгани билан боғлиқ!

— Тўп-ла, тўғри, домлажон. Мана шу топқирлигиниз, донолигиниз мени ўзига мафтун этди. Ҳар вақтдагидай дилимдагини топиб айтдингиз! — деб мени макташга тушди Шо. Мен билан узоқ вақт бирга ишлаб қўп нарса ўрганиш тартибга ортиргани, менинг олдимда ўзини қарадор ҳисоблагани...

Болаҳондор гаплар менга эриш туюлди, гапни бошқа ёққа бурдим-да:

— Орттирган тажрибаларингизни шогирдларингизга ўтказсангиз, шу билан менинг олдимдаги қарингизни ҳам узган бўласиз, — деб қулғига олдим.

— Менинг шогирдларим ҳам чакмас. Шунларни сизга бир кўрсатгим келади. Сизни биринчи устозим деб уларга қўп таърифлаганман, ўттиз йилча ёнингизда ишлаганимни айтганман. Улар сизни кўришга қизиқиб қолишган. «Божонимизни кўриб, сўзларини эшитсак» дейишади. Сиздан катта илтимосим, домлажон, байрам арафасида биз томонга бир қадар ранжидла қилсангиз, шогирдларимни сўхбатингиздан баҳраманд этсангиз, қўп хурсанд бўлардик-да. Қўтилмаган бу таклифга мен дарҳол жавоб беролмай, «кўрамиз» деб қўйдим. Шоакрам қайтаётиб эшикда турган чўгдай қўп-қизил янги автомобилга минаркан, яна ялиниш оҳангига:

— Мана шу аравамда сизни уринтирмасдан обориб-опкелиб қўяман. Ҳўбми, домлажон? — деди менга юзланиб.

— Худо хоҳласа, — деб жавоб бердим.



Ҳақим НАЗИР, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЭЪТИҚОД



«фермер-лик номинани қўшиб олдик, — деди ҳақолаб Шоакрам. — Бу ном менданмас, болаҳонлардан қилди. Мени «кичик фермер», ўзларини ферма аъзолари деб овоза қилишадиган бўпти. Кейинги йилларда бир қўшимиз бўш ётган ерни ҳам бизга қўшиб берганди. Участкамиз кенгайиб, ундан чиқадиغان ҳосил ҳам йилдан йилга ортяпти. Ҳосилни эса мактаб ошхонасига бериб қилдик. Бизда ишлаб-йиладиган ёнига йил сайин янги болалар қўшиляпти. Уларни «ферма аъзоси» деган ном қизиқтириб қўйди шекилли. Болаларимиз янгиликка ўч-да. Турмушимизда нимаки ўзгарилаётган бўлса, буларни ўғил-қизларимизсиз кўз олдимизга келтиролмаимиз. Улардаги зийраклик, топқирлик, тиришқоқлик йилдан-йилга ортиб бораётгани аниқ.

Шоакрам бу фикрини далиллаш учун мактаб ҳаётидан мисоллар келтиради:

— Шогирдларимизда дадиллик анча ортиб бораётганини кўриб турибмиз. Катталардан ортиқча ҳайиқиб, тортиниб ўтирмасдан, ўзларини эркин тутадиган, озгиларига келган саволларни бемалол берадиган бўлиб қолишпти. Дунёқарашлари кенгайяпти. Оламда, мамлакатимизда бўлаётган ўзгаришлар моҳияти мағзини қақши, янги-дан-янги билим, хунарларни эгаллашга дадил интилишлари, чет тилларни ўрганиш, хорижа бориб ўқиш, коллеж ва лицейларда таълим олишга интилиш... Эҳ, уларни нималар қизиқтирмапти дейсиз, домлажон!

Шоакрам ёшларнинг онги, савияси, фахм-фаросатида, мустақил фикрлашида юз бераётган силжишларни яна бир қарра синовдан ўтказишни истабди. Шу мақсадда саккизинчи синфда бир дарсни эркин сўхбатга бағишлабди. «Мустақиллик йиллари халқимиз нималарга эга бўлди?» деган саволни ўртага ташлади. Болалар каттиқ хаёлга чўмибди. Баъзилари қоғоз-қалам олиб мушганича фикрларини ёзишга тушибди. Ҳаммадан олдин ўртада ўтирган ўқувчилардан бири

ишга соломлаган. Нарса ишлаб чиқариб сотишга рўхсат берилмаган. Уйдаги устaxonаси ёпилиб қолган. Бир қорхонада катталар қўлида қарам бўлиб, ночор кун кечирган. Мустақиллик бошланиши билан ишлари юришиб кетибди, бозори қаққонлашибди. Омади келиб, унинг чиқарган жажжи буюмлари машҳур хунарамандларнинг чет элдан кўргазмасидан ўрин олибди.

Шу сўхбат баҳонасида болаларнинг ичларида йиғилиб қолган фикрлари баралла ўртага тушди. Улар ўз ота-оналарининг қурилиш бошқармаси бошлиғи, тадбиркор, бизнесмен, ишбилармон бўлиб ишлаётганларидан мактана кетишди. Шулардан биттасининг айтганлари ҳаммаининг диққатини ўзига тортди. У яшаётган «Янгиобод» маҳалласида «Соғлом фарзанд» — жонга пайванд» деб номланган спорт мусобақаси ўтказилибди. Маҳалла фуқароларидан кўпчилиги қатнашган бу тадбирда қураш, бокс, қаратэ, баскетбол, югуриш, шахмат-шашка мусобақалари бўлган. Фольбларга ҳомиёллар — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ва бошқаларнинг соғвалари, фахрий ёрлик, дипломлари топширилди.

Шоакрам болаларга: «Бундан чиқди, ҳамма жойда ишлар ҳамирдан қил суғургандай силқил кетаётган экан-да, а?» деган экан, бир қатор болаларнинг: «И-йўқ деган овозларни қилибди. Камчиликлар ҳам борми?» Камчиликлар ҳам борлигини кўрсатадиган қатор мисолларни санаб кетишди. Эркинликни тексари тушуниб, ўзи хон, қўланқаси майдон бўлиб, қўнғилга келган номаъқулчиликни қилиб, подани булгашиб юрганлар бор. Тадбиркор бўлдим деб, инфо-сизлик билан одамларни алдаётган, харидорлар ҳамонини қуритаётганлар бор. Ёки ўз болаларининг тарбиясига қарамасдан, ўғил ё қизининг ёмон йўлга кириб кетишига сабабчи бўлаётган ота-оналар ҳам учраб туради...

Муносабат

ВАТАН ЯТОНАДИР

Юксак онгли фуқаро қалбида ВАТАН туйғуси кеча-ю кундуз кайнаб ётади... Ётганда, турганда, юрганда — ҳамма ва ҳар қандай вазиятда ҳам уни тарқ этмайди. Бу ҳолат — етук инсоний фазилатга эга шахс учун ҳаётий эҳтиёж, яшаш тарзи бўлиб қолади. Аммо — Ватан бошига бирор таҳдид сезилса, ёки қулфат тушгудай бўлса-чи, мазкур туйғу бир неча баробар ортиб кетади... Бизнинг буюк аجدодларимиз худди шундай ҳис-туйғулар билан яшаганлар. Буюк ниятларини жон озиғи сингари маънавий қадриятларида бизга мерос қилиб қолдирганлар. Бу бебаҳо ҳазинага қачон, қай мақсадда мурожаат қилсак аини шу пайтда кун тартибига чиқиб турган саволларимизга жавоб топамиз, муаммонинг энг самарали ечими кўзга ташланади...

Фитначилар эса иши биттач, малайларига «каерда қолдинг, яғир эшагим?!» демай «отни қамчилаб» қоладилар... Бунга англамайдиغانларга — ҳаётда ҳалокатдан бошқа йўл йўқ!.. Ахир энг ёвуз ниятларини қуюқ рангли бўёқларга беланган «чиройли» пардага ўраб кўрсатиб ҳали ўзини англаб етмаган кимсаларни чалғитаётганларни таниб олиш вақти етмади-ми?!

Халқнинг ўз ичидан ўзига душман етиштириб фожиялар содир этиш ва шу йўл билан юртни талашга ўрганиб қолган палидларни буюк аждодларимиз қадриятларида, бой маънавий меросларига қўллаб уратамиз, фақат уларни мут-тасил ўрганиш билан тегишли ҳулосалар чиқара билиш талаб этилади... Юсуфбекхожининг мана бу сўзларига бир эътибор берайлик: «...Ўз наслини ўз қўли билан қоғир (ажнабийлар маъносидан А. А.) қўлига тутқин қилиб топширувчи биз кўр ва ақлсиз оталарга худонинг лавнати албатта тушар... Боболарнинг муқаддас гавдаси мадфун Туркистонимизни оёқ ости қилишга ҳозирланган биз итлар яратувчининг қаҳрига албатта йўлиқаримиз. Темир Кўрагон каби дохийларнинг, мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улғубек ва ибн Сино каби олимларнинг ўсиб улғуй ва нашуу-намо қилгонлари бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрагучи албатта тангрининг қаҳрига сазовордир, ўғлим!»

Бугина эмас. Биз ушбу сатрлар охирида — ўз замонасининг Навоийси қиёфасида намён ёлган Юсуфбекхожи мушоҳадларида эл-юртга содиқлик билан, унга хийнаткорлар тақдирини, воқеалардан келиб чиқадиган аниқ ҳулосаларни ҳам тўғридан оламиз. «Гуноҳсиз бечораларни бўғизлаб, болаларини етим, хоналарини вайрон қилувчи золимлар — қуртлар ва қушлар, ердан ўсиб чиққан гиёҳлар қарғишига нишондир, ўғлим...»

Келтирилган кўчирмалар маъноси жуда тушунарли. Эл-юрт дахлсизлиги учун жонини фидо қилган Юсуфбекхожи қалбидан отилиб чиқаётган бу алангали ҳароратни қақдадан олди? Абдулла Қодирийдан олди. Юртим деб ёниб яшаш деб шунга айтсалар керак... Эътибор бериш: бир ўринда Юсуфбекхожи «биз кўр ва ақлсиз» деб ўз Ватани тақдирига бефарқ қаровчиларга нафрат ёғдиради, яна бир ерда Ватани, халқи, Мустақиллигини ўйламай-нетмай иш қилганларни «биз итлар» деб фарёд чекади... Юсуфбекхожи умрида бирор нафас халқ, эл-юрти тақдирини ўйламай яшаган эмас, уни ўйламаганларни «итлар» деб бонг уради... Абдулла Қодирий миллий Истиклол учун жонини фидо қилганлардангина эмас, шунинг учун қурбон бўлганлардан бири эди...

Миллий Мустақиллик учун бошини тикиб яшаган Фитрат куйидаги сатрларда Туркистоннинг тангри назари тушган шундай гўзал ўлкамизга кўз олайтирганларга муносабат билдиришга келганда янада жўшқинроқ кайнаб-тошади. Мана бу сатрларга бир эътибор бериш:

*Оғир, юксак, кўркям, ҳайбатли тоғлар
Унда,*

*Сўдан,
Ҳар ёқдан
Ҳақ йўлда уришувчи аскардек
Ясов тортиб, кўкрак кериб, юксалган,
Кўкдан доҳий ўз ҳаққини истардек...
Денгизлардек қанот очиб тавбат
Қуочқалиш би севилган ёдусун.
Тангри — доҳий муздак, сувдан ҳам тоғдан
Қуршатишди қўрғон қилиб теғрасин —
Ким: ёвоий бир ҳайвон
Сўқиб қолмасун мунга
Иртқич тишини, тарноғини...*

Ҳақиқат тангри назари билан тоғлар, бозлар худди денгиздай ўраб турган гўзал ўлкамизга бирорта иртқич олақарай кўрмасин; бу жаннатмақон Эл-Юртимизни БУТУН БОРЛИГИМИЗ БИЛАН СЕВАМИЗ, АСРАЙМИЗ, ҲАЪТИМИЗ МАЗМУНИ ШУДИР... Аҳмад АЛИЕВ.

Тадбирлар ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Яқинда «Ўзломсолтин» асоциациясининг «Олтин ёмбир» даму олиш пансионатида бир гурам Тошкент шаҳар жамоат ташкилотлари вакиллари, ижодий уюшмалар фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Мазкур учрашув энг улғу, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик айёмига бағишланди.

Пансионат дам олувчилари билан очик мулоқотларда гап асосан Истиклол инъом этган буюк неъматлар — озолиқ, ҳур фикрлик, эркин иқтисодий фаолият ҳақида, улғу қадриятларимизнинг тиллангани, келажоғи буюк давлатни бунёд этишда қўлга киритилаётган галабалар ва уларни асраб қолиш, янада бойитиш ҳақида борди. Шу муносабат билан меҳмонлар ва дам олувчилар кейинги пайтларда террорчилик ҳаракатлари ҳақида, Истиклол бахш этган неъматларни сақлаб қолиш учун доимий оғоҳлик зарурлиги ҳақида тўлиққилиб гапирдилар.

Учрашувда Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари, профессор С. Саъидов, «Камолот» жағғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси М.Расулова, Тошкент шаҳар касаб уюшмалари кенгаши раисини урибосари Ф.Рўзибеков, Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев, Фидокорлар миллий демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби А.Ақромовлар дам олувчилар билан ўзаро фикр алмашдилар.

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДАЛИРИМИЗ!

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг «Фазокор» болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олувчилар учун гоҳат кизгин ва кувнок тадбир бўлиб ўтди. Бу ерда «Биз Истиклол фарзандларимиз!» шiori остида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 9 йиллигига бағишланган болалар фестивали ўтказилди. Тошкент шаҳар касаб уюшмалари кенгаши, «Фидокорлар» миллий демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда «Камолот» жағғармаси Тошкент шаҳар бўлими уюштирган ушбу тадбир ушбу кимдан иборат бўлиб, унда болалар маънавият, санъат ва спорт соҳаларида кўн синашдилик, давра суҳбати, очик мулоқотларда иштирок этидилар.

Рўзибеков болалар ўртасида ўтказилган «Мен ўзбек тилида сўзлашаман» танлов, асфальтга расм чизиш, «Оромгоҳ юлдузи», «Оромгоҳ бўлиби» номини олиш учун ўтказилган кизгин курашлар, сузиш, арқон тортиш, пирамида ясаш, шахмат-шашка мусобақаларида болалар мароқ билан қатнашиб, ўз истеъдодларини намойиш қилдилар.

Бўстонлик туманининг ямийил гўзал масканларидан бири Янги кўрғон қишлоғида жойлашган оромгоҳда шу кунги тадбир ола-онилари, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар ҳамда фестиваль ташкилотчилари ҳам катта таассурот олдилар. Айниқса, «Биз — Истиклол фарзандларимиз!» мавзудаги очик мулоқот ҳамда «XXI аср ёшлари — улар қандай бўлишлари керак?» деб номланган давра суҳбати кизгин мунозаралар, самийий фикр алмушувлар асосида ўтиб, иштирокчиларни мамнун этди. Фестиваль иштирокчилари ва меҳмонлар болаларимизнинг зехну завоқалари, топқирликлари ҳамда яшайгани иқтидорларидан қонқуш ҳосил қилишди.

Тадбир сўнида турли танлов ва мусобақалар қилиблари қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар. **Ўз муҳбиримиз.**

ШАРҚ ДУРДОҢЛАРИ

ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИШ

ДОМО БУЛУВ...

● **Ҳикоят.** Дўст уч табақа бўлиб, улар ўзларини уч хил хусусиятлар билан намён этадилар. Биринчиси, овқат қабибидр ва улардан ҳеч қачон ажраб бўлмайди. Ажралсанг ўзингни дардманд сингари ҳис этасан. Иккинчиси, давога ўхшайди ва уларга гоҳ-гоҳ иш тушади. Қачонки зарурият туғилганда уларнинг кераклигини сезасан. Учинчиси, дардга ўхшайди ва улардан ҳеч яхшилик келмайди. Аксинча улар ҳар қандай вазиятда сени чоғга қўлади. Йўлингга гов бўлиб, ишларингни олдинга силжишига тўқсунлик қиладилар.

Байт:
*Толени ёр билар дўстликнинг қадрин,
Муҳаббат муҳрини уриб жонига.*

● Бир ҳақимдан сўрадилар: «Дўстларингдан қай бири ҳаммасидан ҳам кўра сентга кўпроқ ёқди ва биродарлик даражасига етди ва қай бирига юрагингга муҳаббатинг қучлироқдир, қай бирини ўзгача меҳр, интиқлик билан эсга оласан?» Ҳақим эса уларга: «Айб қилсам яширадиган ва узр сўрасам кеңирадиганини, доим ҳам очик чеҳра, майинлик билан мени қарши оладиганини!» — деб жавоб берди.

Байт:
*Одам айблардан ҳолий эмасдир,
Дўст улқи, айбинини яширар ҳар он.
Ёмонлик қилсанг ҳам кечирар сени,
Ҳафа қилсанг, сени қўрмайди ёмон.
Ўзр сўрасанг гар қилма қилади,
Аммо талаб қилмас бунга ҳеч қачон!*

● Ҳар доим ҳам тўрт нарса инсон саломатлигини сақлаб, умрини узоқ қилади: қачонки иш-таҳа келганда меъёрида овқат емоқ, белгилангандан ортқ ҳаддан ташқари оғир нарсаларни кўтаришдан тийилмоқ, ҳаракат ва сокинлики меъёрида бир хилликда тутмоқ ва ўзидан гамни узоқ қилиб ҳуда-беҳудуга ғазабланмаслик.

Байт:
*Иштаҳа келмаса еса ҳар кимса,
Ранж ила меҳнатга бўлур мубтало.
Ундан ҳам оғир — қўлда оғир юк,
Қўлмас юракка бўлади баҳо!*

● Тўрт нарса ўлик дилини тирилтиради: олим, устод, яхши дўст, мувофиқ ёр ва давлату иқбол сабабчиси бўладиган доно ақл.

Байт:
*Яхши хотин билан меҳрибон устод
Киши руҳин доим қилади шодмон.
Улардан ичилган оби ҳаёт сув,
Боқий умр берар қишса ҳар он.*

● Инсон вужудидаги ақл дарактага ўхшайди. Агарда даракт тоза ва ҳосилли бўлса, ундан яхши самара умид қилиш мумкин. Бунинг акси бўлиб дарактага лажмурдаллик ва ҳазон этса, уни ўтин қилиб ёқишдан бошқа нарсага арзмади.

Байт:
*Ростиғу дўстликни қутса бўлади,
Оқил кишилардан, фарзоналардан.
Аҳмоқлик бўлади яхшилик қутмоқ,
Ақли йўқ, баднамо, дсвоналардан.*

МУНИНДИН ЖУВАЙНИЙ.

● Сахий ва олижаноб кишилар билан суҳбатдош бўлмоқ кишини ёқимли феъл ва чиройли хислатларга рағбат қилади. Ёмон феълли ва фасод табиятли кишилар билан бўлган суҳбат эса ёқимсиз сифат ва қабих иллатларга етаклайди. Ёмон феълли билан яхши феъллилар орасидаги суҳбат таъсири худди шамол қабибидр. Агарда шамол қўланса ҳидли ёмон жойдан ўтиб қолса, ўзи билан бадбўй ҳидларни бошлаб келади. Агар ширин ҳидли жойлардан ўтса, киши дилини яйратувчи, роҳатбахш этувчи муаттар исларни келтириб, ҳузур, ором бахш этади.

*Ҳар кимнинг бор экан танида жони,
Ким билан сўзлашса, таъсири.*

*Ёмонлик бўлмаса кимнинг афволи
Доим яхши билан хуш суҳбат қилар.*

● Билингли, оғирчилик ва гамгинликда қурилган оқил суҳбати базм ва ишратда ўтказилган калтафаҳм — жоҳил суҳбатидан минг марта афзалдир. Шу боисдан ҳам ҳар вақт доно ва оқил кишилар суҳбатига бўлишга интилоқ, шунингдек ақл соҳиблари бўлган суҳбатдошларни асраб-авайламоқ даркор.

*Суҳбат учун топсанг доно кишини,
Ёмонларни яқин йўлатма ширин.
Дилса ёққан фақир доно суҳбатни,
Нодон бойдан кўра яхшидир мизе бор!*

● Ҳақиқий дўст шундай кишики, у ҳеч қачон ўз дўстидан ҳеч нарсани аямайди. Ўзгаларнинг гапига кириб, оғир дамларда қўллаган, ёрдан кўрсатган дўстини унутмайди. Кибру ҳавога берилиб уни унутмайди. Дўстининг аччиқ, аммо ҳақ гапларидан ранжиб, унга ноурин зуғум ўтказиш, адоват кўрсатиш пайида бўлмайди. Мол учун харис ва баҳил кишидан дўстлик қуттиш нотўғридир.

ИБН КАМОЛПОШО.
Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржумаси.

Она юртимиз тинчлигига раҳна солаётган террорчилар қилмишига баҳо бериш! Сурхон воқидасидаги воқеаларни бутун халқимиз нафрат билан изоҳлаётгани аниқ. Чегарадош худудлардан гўзал ўлкамизга, ям-яшил ўтлоқлар, юксак тоғлар билан ўралган Ўзбекистонимизга ёвуз ният билан кириб келган босқинчиларнинг қилмишлари — Боткентда рўй берган илгариги воқеалар у бугунгилари Бутун Марказий Осиё тинчликсевар кучларини газабга тўлдирмайдими? Ёвузликларга раҳбарлик қилаётган сунъичиларидан то уларнинг малайқари сифатида — буйруқни бажараётган мақуртларнинг махлуқлигини — нима деб аташ керак? Эй, виждон азоби нималигини билмайдиган малъунлар! Ўз юртига хийнат қилиб, бошқаларга югурдаклик қилаётган жоҳиллар — ҳадисларда битта одамни ноҳақ ўлдирган кимса дунёга ўт қўйгандай гуноҳга ботади қабилдаги фикр-мулоҳазаларни идорқотолмай туриб тангри номини қандай тилга оласизлар?!

Республика Вазирилар Маҳкамаси Сурхон воҳаси тоғлари чўққисидан душманларимиз билан олишиб ҳалок бўлганларнинг оилалари аъзоларига чуқур таъзия билдириб, бир миллион сўмдан ёрдам ажратиши ҳақидаги қарорга Президентимиз имзо чекиди. Ҳар бири яшаган жойдаги маҳаллий ҳокимият уларнинг уй-жойлари, ота-оналари, боболари, бувилари аҳволидан хабар олиб туриши кераклиги ҳам таъкидланди...

Аммо, минг афсуски, ҳали уйланмай, хотин, бола-чақа кўрмай, қалблари тўла орзу-хавасларига етмай, демокримизки, «ёшини яшмай, ошини ошмай» бевақт кетганларнинг доғлари юраклардан кетармиди? Бир умр юракларни ўртаб ётмайдими? Ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайдиган бундай йўқотишлар унга олиб келган ёвузларга абадий лавнатлар ёғдиради!.. Негаки, жонини қурбон қилган йигитлар — эндиликда бизнинг Мустақил Республикаимиз аскарлари, бизнинг кўрқиччиларимиз эди. Биз шундай эзоғриқ қаҳрамонларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, уларнинг қадрига ҳар қанча етсак арзийди. Шу ўринда ҳозирги ёшлар кўрмаган, балки эшитмаган — ақин ўтмишидан фақат бизнинг ёшдагиларгина кўрган воқеалардан аниқ бир мисолни эслашга эҳтиёж туғилди: иккинчи жаҳон уруши туғанган йиллар. Тошкентнинг киндиғи бўлмиш — ҳозирда буюк бобомиз Амир Темур ёдгорлиги турган майдон атрофидан шаҳар транспортлари айланиб ўтар, йўлқалардан турнақор пидедалар ўртада савлат тўкиб йўл тартибини назорат қилиб турган милиционер ҳаракатларини томоша қиларди. Ана шу пидедалар йўлкасида — икки қўли елкасидан кесилган, икки оёғи ҳам сони охиригача узилган, сапсарик сочи, мўйлаблари юзига ярашиб турган, солдатча шапкасини бошидан олиб олдиға қўйилган бир йигит пайдо бўлди. Ҳар кун бирос уни кўтариб олиб келибми, аравачадами, шу ерга қўйиб кетарди. Ҳамма унга пул ташлайди. У фақат кўзини очиб-юмиш билангина — пул ташлаганларга «рахмат» дегандай бўларди... Бир неча ой боёбайида Тошкент кўчаларида ногирон тиланчилар кўпайди... Ниҳоят уларни йиғиб ногиронлар уйига олиб кетилди, деган гапларни эшитдик... Унганча қанча азоб-уқубатни бошдан кечирган одамлар тақдирини қўяберин... Инсоният ҳеч қачон уруш билан халқларга бахт беролмаган. Ёвузлар эса «бахтин» рўқач қилиб қон тўкишни бошлайдилар, фожиялар ҳисобига ҳокимиятини, эл-юртини, бор-йўқни талон-тарож қиладилар... Ёвузларга алданиб эргашганлар оқибат натижада кўжайинларнинг қурбони бўлиб кетавердилар.

Ахборот воситалари Ватанимиз чегараларида ёвуз кучлар билан олишувда қаҳрамонлик кўрсатаятган, душманларни яқсон қилган энг юртпарвар йигитларимиз шижоатларини оламга ёйиб турибди. Телеэкрандаги кўрсатувда Ватан Ҳимоясига жонини тикиб ҳалок бўлган йигитларимизнинг суратларини кўрганамизда — қалбларимиз ларзага келди-ку! Эндигина ҳаётга дамил қадам қўлаиб келаётган ёш-ёш йигитларимиз — уриш-талаш, фитнес-фужурни эмас, тинч, саодатли ҳаётни орзу қилиб яшайдилар-ку!..

Асли — жон бор жойда қазор бор деган ўзбек мақолини биламиз. Лекин бу теран мантиқли мушоҳаданинг ўзига хос шартлари бор. Бирок, ўз тинчлиги, тараққиёти, тақдирини ўзи таъминлашга интилиб яшаётган халқимиз ютуқларини кўролмаётган галамисларнинг мақсадлари нима? Бу сўроққа буюк аждодларимиздан бири Абдулла Қодирий бундан сал кам бир асра муқаддам шундай жавоб берган эди: «Мақсадлари жуда очик. Биттиси мингбоши бўлмоқчи, иккинчиси Нормухаммадининг ўрнига минмакчи, учинчиси яна бир шаҳарни ўзига қарам қилмоқчи...»

Миллий маънавий хазиналаримизнинг бебаҳо қадриятга айлиниб кетганиги ҳам, умуминсоний аҳамиятларини ҳам шунда ифодаданган бўлса, не ажаб? Зеро инсоният тарихи тож-тахт, ҳокимият учун талашларнинг қўлдан-қўл фожияларини билди... Эл-юрт бошига келиб-кетганларнинг баҳорларини ҳаммиша тарих белгилайди. Баҳолашда тарихдан кўра қудратлироқ, тарихдан кўра адолатлироқ кучни, ҳақамни дунё ҳали кўрган эмас. Ёвузларга қарши нафратларини очик баён қилаётган ёшу қари, хилма-хил табақага мансуб фуқароларимизнинг мулоҳазаларини ҳар кун қўриб, тинглаб бораётимиз.

Жаҳоннинг турли худудларида не-не зиддиятлар, хунрезликлар, кўпорувиқчиликлар-у табиий офатлар тўфайли жафо чекаётган, бегуноқ қонлари тўқилаётган, очидан ўлаётган бечоралар кўз ўнгимиздан бир-бир ўтаётган бир му-

Пирӯ бадавлатларимиз

ШУКРОНАЛИК

Шаҳримизда қариллик гаштини сураётган маҳалла ва хонадоннинг файзи бўлиши пирӯ бадавлат отахонларимиз кўллаб топилди. 77 баҳорни қаршилаган бўлса-да ҳамон тетик ва бардам Ёдгор ота Исомиддинов ҳам ана шундай ажойиб тақдирлар эгаси сирасига қиради. Зеро, II жаҳон уруши жангҳолирида қатнашган отахон кейинчалик 23 йил давомида Дегрез ва Аббор Хидоятво маҳаллаларига оқсоқолик қилди, республика шахмат федерациясининг раиси сифатида эса юртимизда ушбу спорт турининг ривожига ўз хиссасини қўшди, қолаверса ўн бир фарзандни оқ ювиб оқ тараган холда мамлакатимиз учун фойдали инсонлар қилиб етиштирди. Табарруқ ёшда бўлишига қарамай Ёдгор ота неваро, эвара, чеваралари тарбияси билан шуғулланиш билан бир қаторда ҳамон Ақмал Икромов туманидаги Аббор Хидоятво номли маҳалла оқсоқоллар кенгашининг фахрий аъзоси сифатида бой турмуш тажрибасидан фойдаланган холда Ватан ичра Ватан бўлиши маҳаллани ривожлантириш ишларига ўз хиссасини қўшмоқда. Биз отахон билан Мустақиллигимизнинг кутлуг тўққиз йиллик байрами арафасида учрашиб, истиқлол берган неъматлар, тинчлик-осойишталикнинг қадри хусусида суҳбатлашдик.



— Мустақиллик биз каби барча кексалар учун катта неъмат. Давлатимиз ардоғида шукроналик билан роҳат-фароғатда умр кечирялмиш. Мустақиллик шунчалик улғу неъматки, у бизнинг ҳақиқий умидларимизни рўбга чиқарди, жаҳон аҳли ўзбек миллати борлигини, Ўзбекистон деган юрт мавжудлигини билди ва тан олди. Маълу бўлишича, биз жаҳон маънавияти, санъати ва шивилизациясининг ривожига ўз улкан хиссасини қўшган фахрланса арзийдиган Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Мирзо Улғубек, Абу Абн ибн Сино, Абду Райҳон Беруний каби буюк аждодларимиз бор. Демак биз ривожланган давлатлар ичра ўз ўрнимизни топдик. Ҳар бир кишини ўз ҳуқуқларини билди, эркинликдан баҳра олди.

Мустақиллик бизга миллий удумларимиз, урф-одатларимиз, либосларимизни қайтариб берди. Утмишда ўтган буюк аждодларимиз, озолиқ йўлда қатагон қилинган юртдошларимиз хотираси эъзозланмоқда.

— Ёдгор ота, сиз 1947 йилдан 1966 йилгача

ча Дегрез, 1966 йилдан 1993 йилгача Аббор Хидоятво маҳаллаларига оқсоқолик қилган экансиз. Айтингчи, маънавиятимиз бешиги, эл-юрт ҳамжиҳатлигининг гарови бўлиши маҳаллалар ҳақида истиқлол йилларида қандай ўзгаришлар рўй берди?

— Албатта, Мустақилликдан сўнг маҳаллаларимиз қиёфаси тубдан ўзгаришти, ушбу тенгги йўқ жамоа тузилмасининг ҳуқуқлари ва роли тобора ортиб боришти. Илгарилари идорарада ўтириб буйруқ бериларди, кичик бир ишни битирини учун ҳам райнжоркомдан рўқсат олинарди. Кейинги пайтларда янги тузилма — маҳалла посбонлари, яраштирув комиссиялари, жамоатчилик гуруҳлари тузилди, самарали фаолият кўрсатмоқда. Ондавий низолар ҳам судларга юборилмай маҳаллалар кучи билан ҳал этиляпти. Кам таъминланганларга пул бериш, улар ҳолдан хабар олиш, солиқлар тўловинда қийналганларга ёрдам кўрсатиш — барчаси маҳалла бош-қошигида амалга ошириляпти. Халқ эҳтиёжини таъминлайдиган дўкончалар, маншрий хизмат нукта-

ларига эга замонавий гузарлар қад кўтаришти. Маҳалла кучлари байрам қилинапти, фахрийларимиз мукофотланяпти. Биз ўзимизнинг маҳаллада етимлар, кам таъминланган болалар учун маҳалла ёрдамида хатна тўйларни қилдик. Буларнинг барчаси Мустақилликнинг шарофати билан рўй берган хайрал ўзгариш, янгилашиллардир.

Яна бир оддий мисол. 1955-59 йилларда Ўзбекистон шахмат федерациясининг раиси бўлганман. Уш пайтларда собиқ иттифоқ спорт кўнжтаси томонидан юртимизда шахматни ривожлантиришга деярли ёрдам берилмагани, ўз кўчимиз билан шахматни кучайтиришга ҳаракат қилганимизни яхши эслайман. Ҳозирчи, қисқа муздат ичда ўзбек шахматининг ерқин юлдузи Рустам Қосимжонов, Сайдали Йўлдошев каби қўллаб ҳалқро гроемейстерлар етишиб чиқди. Еш шахматчи Иброҳим Ҳамроқулов маҳоратиға бутун жаҳон тан бери. Бундай улғу имконини ютуқларнинг албатта шукронасини қилишимиз керак.

Биз фақат шунини унутмаслигимиз керакки, аждодларимиз орзу қилган Мустақилликка эсон-омон эришдик, ҳозирги кунда истиқлолимизни асраш, тинчлик-осойишталик барқарор бўлишини таъминлаш энг муҳим вазифаларимиздандир. Ўз уйимиз, маҳалламизнинг ўзини асрашимиз керак. Биз каби отахонлар Ватан, халқ фаровонлиги учун мактаб, маҳаллаларда озгина бўлса-да ҳаракат қилиш ҳақиқий миллат фарзандларига мос иш бўлишини ёшларимизга тушуниришимиз керак.

Фурсатдан фойдаланиб кириб келаётган Ўнғ улғу ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг тўққиз йилдиги билан барча ҳамюртларимизни қизгин табриқлайман. Яна кўп йиллар тинчлик-осойишталик билан шундай байрамларни биргаликда яшайлаш ҳаммамизга насиб этсин.

Дилмурод ИСМОИЛОВ ёзиб олди.
СУРАТДА: Ёдгор ота Исомиддинов (чапдан учинчи) дўстлари даврасида.

